ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ҚУРБОНОВ АНВАР РАЗЗАҚОВИЧ

3.25 А ГэВ/с ИМПУЛЬСЛИ ^{16}Op-ТЎҚНАШУВЛАРИДА КЎП НУКЛОНЛИ ТИЗИМЛАР ВА ЯДРОЛАР ҲОСИЛ БЎЛИШИ

01.04.08 – Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси. Тезлаштирувчи техника

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент − 2019

УДК 539.172.12

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундаражаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

Қурбонов Анвар Раззақович
3.25 А ГэВ/с импульсли ^{16}Op-тўқнашувларида кўпнуклонли тизимлар ва ядролар ҳосил бўлиши…… 3

Курбонов Анвар Раззакович
Образование многонуклонных систем и ядер в ^{16}Op-соударениях при импульсе 3.25 А ГэВ/с..... 23

Qurbonov Anvar Razzaqovich
Formation of multinucleons systems and nuclei in ^{16}Op- collisions at the momentum 3.25 A GeV/c…… 44

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works…… 52

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ҚУРБОНОВ АНВАР РАЗЗАҚОВИЧ

3.25 А ГэВ/с ИМПУЛЬСЛИ ^{16}Op-ТЎҚНАШУВЛАРИДА КЎП НУКЛОНЛИ ТИЗИМЛАР ВА ЯДРОЛАР ҲОСИЛ БЎЛИШИ

01.04.08 – Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси. Тезлаштирувчи техника

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент − 2019

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/FM27 рақам билан рўйҳатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Физика-техника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгаш веб-сахифасида (www.inp.uz) ва "Ziyonet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Олимов Қосим** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Мўминов Толиб Мусаевич** физика-математика фанлари доктори, профессор, академик
	Бозоров Эркин Хожиевич физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти, Астрономия институти, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/T/33/01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил "____"_____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади: (Манзил: 100174, Тошкент ш., Улуғбек қўрғони, Ядро физикаси институти, тел: (99871) 289-31-18, факс: (99871) 289-36-65, e-mail: info@inp.uz).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (_____ рақами билан рўйҳатга олинган). ((Манзил: 100174, Тошкент ш., Улуғбек қўрғони, ЯФИ, тел: (99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2019 йил "____" _____куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____даги №_____ рақамли реестр баённомаси)

М. Ю. Ташметов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф-м.ф.д., профессор

Э.М. Турсунов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, ф-м.ф.д.,
катта илмий ходим

И. Нуритдинов
Илмий даржалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси
ф-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертацияси мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда релятивистик ядроларнинг парчаланиши ва кўпламчи зарралар туғилиш жараёнининг экспериментал тадқиқ қилиниши юқори энергиялар физикаси ва релятивистик ядро физикасининг фундаментал масалаларини ҳал қилишда катта аҳамиятга эга. Ядро тузилиши ва унинг реакциялар охирги маҳсулига таъсири, шунингдек ядро фрагментлари ҳосил бўлишида заряд алмашинув жараёнларининг роли ҳақидаги муҳим маълумот манбаларидан бири релятивистик ядроларнинг нуклонлар ва ядролар билан яриминклюзив ва эксклюзив реакцияларга максимал яқинлашган каналлар учун тўқнашувларни тадқиқ қилиш заруратини кўрсатади. Шу сабабли кучли магнит майдонида жойлаштирилган пуфакчали камералар ёрдамида релятивистик ядроларнинг бўлинишини тадқиқ қилиш долзарб мавзуларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳонда релятивистик ядроларнинг бўлиниш тадқиқотлари турли халқаро илмий марказларда амалга оширилади, хусусан нишон ва снаряднинг парчаланиши соҳасида чегара парчаланиш гипотезаси бажарилиши аниқланган, ҳамда ядроларнинг бўлиниш жараёнининг стохастик характерига эга бўлиши кўрсатилган. 2004 йилдан бошлаб “Беккерель" ҳамкорлик доирасида ядро эмульсияси усули ёрдамида масса сонлари A = 3-14 бўлган енгил ядроларнинг кластер тизимини жадал ўрганиш амалга оширилмоқда. Хусусан, паст даражали қўзғатилган ҳолатдаги енгил ядроларда якуний реакция маҳсулотларининг чиқиш эҳтимоллигига ва таркибига таъсир қиладиган фақатгина α-кластер структураси эмас, балки α+h, α+t, α+d ва шуларга ўхшаш кластерли тузилмалар ҳам намоён бўлиши аниқланди.

Мамлакатимизда бугунги кунда релятивистик кислород ядроларнинг протон билан тўқнашувларида кўп нуклонли тизимлар ва ядроларнинг ҳосил бўлиш жараёнлари бўйича изланишларга оид фундаментал тадқиқотларга катта эътибор берилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида[1] мамлакатимизда илм-фан ривожи, фундаментал тадқиқотларнинг муҳим йўналишлари, фундаментал тадқиқотлар натижаларини ҳаётга тадбиқ қилиш йўллари акс эттирилган. 6 ва 7 нуклонли тизимлар ва ядроларни ҳосил бўлиш жараёнларни ўрганиш, 6 ва 7 нуклонли тизимлар ва ядролар ҳосил бўлувчи инклюзив ва яриминклюзив реакцияларнинг чиқиш кесимини аниқлаш, ^{3}He ва ^{3}H ядролар ҳамда бошқа енгил ядролар – дейтронлар ва α-зарралар ҳосил бўлиш “кўзгу” каналларини қиёсий таҳлил қилиш, α-зарралар ва дейтронлар чиқишидаги боғлиқликни тадқиқ қилиш, реакция маҳсулотлари таркиби ва чиқишига заряд алмашинув жараёнлари таъсири ҳақида маълумотлар олиш ҳам шу йўналишдаги муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947 сон Фармони «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 1 мартдаги ПҚ-4512-сон “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини тадқиқ этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларида, 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устивор йуналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожланишнинг II. “Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги” устивор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда жахоннинг етакчи олимлари, масалан, россиялик (Зарубин П.И., Русакова В., Пересадько Н.Г., Артеменков Д.А. ва бошқалар), америкалик (Heckman H.H., Greiner D.E., Lindstrom P.J.) ва бошқалар томонидан релятивистик ядроларнинг адронлар ва ядролар билан ўзаро таъсирлашувларида парчаланиши ва кўпламчи зарралар туғилиш жараёнлари бўйича эксперименталь ва назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Масалан, россиялик олимлар фотоэмульсия ядроларининг енгил ядролар билан периферик тўқнашувлар асосида кластер тизимини жадаллик билан тадқиқ қилишмоқда. Аммо улар, ядро парчаланиш механизмларни аниқлаш ва ядро парчаланиш натижасида ҳосил бўлиши мумкин бўлган барча изотоплар ҳосил бўлиш кесимларини аниқлай олмадилар. Америкалик олимлар электрон усулда фрагментларнинг кичик учиб чиқиш бурчаги остида юқори энергияли темир ядролари билан тўқнашувлар натижасида ^{12}C ва ^{16}O енгил ядроларнинг турли изотоплари ҳосил бўлишини тадқиқ қилишган. Фрагментлар учиб чиқиш бурчагини қамраб олиш чегараланган бўлганлиги учун ушбу изотопларнинг тўлиқ чиқиш кесимини аниқлаш ва уларнинг ҳосил бўлиш механизмларини етарли ишончли даражада аниқлашга имконият бўлмаган.

Бундан ташқари, ўзбекистонлик олимлар (Олимов Қ., Бозоров Э.Х. ва Ўсаров А.А.)нинг диссертация ишлари натижалари тадқиқ қилинаётган муаммоларга нисбатан яқинроқ бўлиб, шу ишларда 3.25 *A* ГэВ/с импульсли кислород ядросининг протонлар билан ўзаро таъсирлашувида парчаланиш жараёни умумий характеристикалари олинган, жумладан: бир ва кўп зарядли фрагментлар кўпламчилиги текширилган; енгил фрагментлар ва бир зарядли зарралар ҳосил бўлишидаги боғлиқлик текширилган; кислород ядроси парчаланишида топологик каналлар кесими аниқланган; α-зарралар ҳосил бўлиш кесимида ^{8}Be ва ^{9}B ностабил ядролар ҳамда қўзғатилган ^{12}C* ядроси миқдорий улуши аниқланган; A=1 дан A=16 гача масса сонли фрагментлар ҳосил бўлиш кесими аниқланган; ^{3}He ва ^{3}H енгил кўзгу ядролар ҳосил

бўлиши қиёсий таҳлили келтирилган ва уларнинг ҳосил бўлиши кинематик шартлари яқинлигида юз бериши ва ҳосил бўлиши жараёнларида протон-нишон заряди қатнашмаслиги кўрсатилган. Бошқача айтганда, бу диссертация ишларида, асосан, инклюзив ^{16}Ор-реакциялари тадқиқ қилинган.

Кислород ядроси парчаланишида кўп нуклонли тизим ва ядролар яриминклюзив каналлари тадқиқ қилинмаган, 6 ва 7 нуклонли тизимлар ва ядролар ҳосил бўлиш каналларининг характеристикаларини қиёсий таҳлили бажарилмаган; кўпнуклонли тизим ва ядроларга парчаланиш жараёнида кислород ядроси ва нишон-протон орасида заряд алмашинув муҳимлиги текширилмаган; кислород ядронинг кўп нуклонли тизим ва ядроларга парчаланиш каналларида A≤3 ли енгил фрагментлар ассоциатив кўпламчилиги текширилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Физика-Қуёш” ИИЧБ Физика-техника институти илмий-тадқиқотлар режасининг Ф2-Ф029 “Юқори энергияли адрон- ва ядроларнинг ядролар билан ўзаро таъсирлашувида ядро материяси тузилиши ва коллектив эффектларини тадқиқ қилиш” (2007-2011), Ф2-Ф-0-42438 “Юқори энергияларда адрон- ва ядроларни ядролар билан тўқнашувларида кўп заррали ҳолатларни тадқиқ қилиш” (2012-2016) ва 04-10 “3.25 А ГэВ/с импульсли ^{16}Ор-тўқнашувларда зарядланган пионлар ва протон(нейтрон) ортиқча ядроларни ҳосил бўлиш жараёнларини биргаликда тадқиқ қилиш”(2011-2012) илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 3.25 А ГэВ/с импульсли ^{16}Ор-тўқнашувларида A ≤ 7 масса сонли кўп нуклонли тизимлар ва ядролар ҳосил бўлиши, кислород ядроси структураси ва заряд алмашинув жараёнларининг ^{16}Ор-реакциялар охирги маҳсули таркиби ва чиқишига таъсири қонуниятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

импульснинг 1.25 – 1.75 ГэВ/с оралиғида визуал фарқланмайдиган протонлар ва мусбат зарядланган пионлар ажралишининг янги усулини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш;

бу тўқнашувларда 6 ва 7 нуклонли тизимлар ва ядролар ҳосил бўлиш асосий қонуниятларини тадқиқ қилиш;

масса сони A ≤ 4 бўлган турлича зарралар ва фрагментлар ўртача кўпламчилик ва кинематик характеристикаларини, 6 ва 7 нуклонли тизимлар ва ядроларнинг биргаликда ҳосил бўлишини ўрганиш;

^{3}He, ^{3}H, ^{7}Li, ^{7}Be енгил “кўзгу” ядроларнинг хоссалари ва ҳосил бўлиш механизмлари ва уларнинг турли сондаги дейтрон ва α-зарралар ҳосил бўлишига боғлиқлигини ўрганиш;

кислород ядросининг парчаланиш жараёнида α-кластер тузилишининг ролини аниқлаш мақсадида тажриба натижаларини каскадли парчаланиш ҳамда буғланиш модели (КПБМ) асосида қиёсий таҳлилни бажариш.

Тадқиқотнинг объекти 3.25 А ГэВ/с импульсли кислород ядросининг протон билан ўзаро таъсирлашувида парчаланиш жараёнларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети 3.25 А ГэВ/с импульсли ^{16}Op-реакцияларида ҳосил бўладиган кўпнуклонли тизим ва ядро ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари: 3.25 А ГэВ/с импульсли ^{16}Op-тўқнашувларида кўп нуклонли тизимлар ва ядроларнинг ҳосил бўлишини таҳлил қилиш учун математик статистика ва Монте-Карло моделлаштириш усуллари, инклюзив ва яриминклюзив ёндашув моделлари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«кўзгу» ^{7}Li ва ^{7}Be ядролар ҳосил бўлишининг инклюзив кўндаланг кесимлари бир-бирига мос келиб, улар орасидаги заряд фарқи 6 ва 7 нуклонли тизимлардаги каби қўшимча равишда протонлар ҳосил бўлиши билан компенсация қилиниши аниқланган, яриминклюзив реакцияларда «кўзгу» ^{7}Li ва ^{7}Be ҳосил бўлиши билан бирга кузатиладиган A = 2–4 ли ядролар нуклонлари ўртача кўпламчилиги ҳамда ушбу ядролар кинематик характеристикалари ўртача қийматларининг мос келиши, бу ядролар шаклланиш кинематик шароитларининг яқинлиги ва снаряд ядроси парчаланиш даражаси бир хиллиги кўрсатилган;

3.25 А ГэВ/c импульсли ^{16}Op-тўқнашувларда 6 ва 7 нуклонли тизим ва ядролар ҳосил бўлишининг яриминклюзив кесимлари биринчи марта олинган, кислород ядроси α-кластерли тузилишининг $A \leq 7$ масса сонли охирги кўпнуклонли ядролар шаклланиши ҳамда электр ва барион зарядлар сақланиш қонунларидаги муҳим ролини кўрсатувчи тасдиқ олинган;

протон ва нейтрон фрагментлари ўртача кўпламчилиги ассоциацияланган дейтронлар сонига боғлиқ эмаслиги ва дейтронларнинг салмоқли қисми кислород ядроси таркибидаги α-кластерларнинг бўлиниши ҳисобига ҳосил бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

каскадли парчаланиш ҳамда буғланиш модели 6 ва 7 нуклонли тизим ва ядролар ҳосил бўлиши кўндаланг кесимларини тушунтира олмаслиги кўрсатилган;

ҳамроҳ зарраларнинг ўртача кўпламчилиги асосан охирги кўпнуклонли ҳолатлар йиғинди масса сони ва заряди билан аниқланиб, ягона ядроми ёки айнан ўша А йиғинди масса сонли икки ёки уч ядроларнинг боғланган, резонансли ёки континиум ҳолатли эканлигига боғлиқ эмаслиги кўрсатилган;

6 ва 7 нуклонли тизим ва ядролар ҳосил бўлиш каналида нейтрон-фрагментларнинг ўртача кўпламчилиги биринчи марта аниқланган ва улар протон-нишон зарядининг парчаланувчи ядро нейтронига узатилиши ва нуклонларнинг ноэластик қайта зарядланиш жараёнларини ҳисобга олганда протон фрагментлар кўпламчилиги билан мос келиши кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Эксперимент материал статистикаси етарлича катта (> 10 000) ҳодисаларга асосланади, зарралар ва фрагментларни масса бўйича ажратишда зарядларни юқори аниқликда аниқлаш, шунингдек уларнинг импульсларини ва бурчакларини юқори аниқлик билан ўлчаш, экспериментал маълумотларни таҳлил қилишда

умумий қабул қилинган статистик усуллардан фойдаланиш, ҳамда натижаларни таҳлил қилишда инклюзив ва эксклюзив ёндашувлардан фойдаланиш, ядронинг парчаланиши бўйича олинган эксперимент маълумотлари бошқа тажриба натижалари ва назарий ишларнинг асосий хулосалари билан ўзаро боғланганлиги натижаларнинг ишончлилигини таъминлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кўпнуклонли тизим ва енгил ядролар шаклланиш механизмлари ва уларнинг асосий хоссалари тўғрисида кенг физик маълумот бериш ва янги модел, назарий ёндашувлар яратишда эътиборга олиниши зарур бўлган ядролар парчаланишининг реал холатига яқинроқ кўринишларини яратишга қаратилган. Кўпнуклонли тизим ва “кўзгу” (^{3}H ва ^{3}He, ^{7}Li ва ^{7}Be) ядролар ҳосил бўлишини тадқиқ қилишнинг кенг кўламли маълумотлари ва тадбиқ қилинган усуллари юқори энергияларда ядролар парчаланиш жараёнларини ўрганиш бўйича бошқа тажрибаларда кенг қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юқори энергияли енгил ядроларнинг ўзаро таъсирлашувлари маълумотлар базасини тўлдириш, иккиламчи кўпнуклонли тизимлар ва енгил “кўзгу” ^{3}H ва ^{3}He ҳамда ^{7}Li ва ^{7}Be ядроларининг шаклланиши учун кесимларни аниқлаш, шунингдек, дейтронларни ҳосил бўлиш механизмлари, парчаланишнинг мавжуд назарий моделларини такомиллаштириш ва иккиламчи зарралар ҳосил бўлиш жараёнларининг янги назарий моделларни яратиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. 3.25 А ГэВ/с импульсли ^{16}Ор-тўқнашувларида кўпнуклонли тизимлар ва ядролар ҳосил бўлиши бўйича олинган натижалар асосида:

импульслари 3.25 А ГэВ/с бўлган ^{16}Ор-тўқнашувларида “кўзгу” бўлган ^{3}H ва ^{3}He, ^{7}Li ва ^{7}Be ҳамда 6 ва 7 кўпнуклонли тизим ва ядроларнинг ҳосил бўлиш кесими бўйича экспериментал маълумотлар, қайта ишлаш жараёнида олинган натижалар таҳлили Қозоғистон Республикаси фан ва таълим Вазирлиги Физика-техника институти космик нурлар лабораториясида 2018 йилнинг 30 март куни тузилган 304-рақамли “Тянь-Шань тоғининг юқори қисмида жойлашган илмий станцияда физика, космик нурлар астрофизикаси бўйича олиб борилаётган фундаментал тадқиқотлар истиқболлари” илмий шартнома натижаларини тушунтиришда қўлланилган. (Қозоғистон Республикаси фан ва таълим Вазирлиги Физика–техника институти 2018 йил 6 июлдаги маълумотномаси). Илмий натижаларининг қўлланилиши космик нурлар астрофизикаси бўйича олинган натижалар таҳлили ва α-зарралар (ўзаро таъсирлашувчи ядроларнинг α-кластерли структурасини тадқиқ қилиш) ҳосил бўлиш кесимига боғлиқ равишда уларнинг яриминклюзив ва инклюзив улушини баҳолаш имконини берган;

3.25 А ГэВ/с импульсли ^{16}Ор-тўқнашувларда 6 ва 7 нуклонли тизим ва ядроларнинг ҳосил бўлиш яриминклюзив кесимларни ҳисоблаш бўйича натижалари Юқори энергиялар физикаси лабораториясининг Нуклотронида бажарилаётган «Беккерель» дастури доирасида ядро фотоэмульсиясини

нурлантириш учун қисқа яшовчи фрагментлар оқимини ҳосил қилиш натижаларини тушунтиришда қўлланилган (Бирлашган ядро тадқиқотлари институтининг 010-43/472-сонли 2018 йил 29 октябрдаги хати). Илмий натижаларининг қўлланилиши, яъни фрагментацияланиш ҳақидаги маълумотлар қурилаётган НИКА коллайдерида режалаштирилаётган тадқиқотлар учун Монте-Карло моделлаштирилган ҳодисалар фрагментация бўйича натижаларида дастлабки маълумот сифатида ишлатиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги илмий амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлик (PhD) диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола нашр этилган, шулардан 4 таси хорижий илмий журналларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 115 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланиши устивор йуналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгиликлари ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ядроларнинг парчаланишини назарий ва экспериментал тадқиқ қилиш ҳолатининг қисқача талқини”** деб номланган биринчи бобида ўрта ва юқори энергияларда адрон-ядро тўқнашишларида турли ядроларнинг парчаланиши ва кластерланиши бўйича тажриба натижалари ва мавжуд назарий ёндашувларнинг талқини, ядролар ички тузилиши бўйича тадқиқот натижалари ҳамда хулосалар келтирилган.

Диссертациянинг **“Эксперимент услубияти”** деб номланган иккинчи бобида тажриба натижаларини олиш услуби атрофлича тавсифланган, бирламчи ядро дастаси ва 1 метрли водородли пуфакчали камера (ВПК) асосий характеристикалари берилган, импульс ва бурчакларни ўлчаш хатоликлари, экспериментал материаллар статистикаси, ноэластик кесими, фрагментларнинг масса сонлари бўйича тақсимотлари, изотоплар таркиби ва 3.25 А ГэВ/с импульсли ^{16}Op-тўқнашувларида $1 \leq Z_{fr} \leq 4$ зарядли фрагментлар ҳосил бўлиши инклюзив кесимлари келтирилган. Массалари бўйича фрагментларни идентификация қилиш учун лаборатория координаталар системасида қуйидаги импульс оралиқлари қабул қилинган: $1.75 < p < 4.75$ ГэВ/*с* оралиқдаги бир зарядли фрагментлар протонлар ҳисобланади, $p = 4.75–7.75$ ГэВ/*с* оралиқдагилар ^{2}H га ва $p > 7.75$ ГэВ/*с* оралиқдагилар ^{3}H ядросига тегишли. $p < 10.75$ ГэВ/*с* оралиқдаги икки зарядли фрагментлар ^{3}He га тегишли, $p > 10.75$ ГэВ/*с* оралиқдагилар эса – ^{4}He га тегишли. $p < 21.25$ ГэВ/*с* импульсли уч зарядли фрагментлар ^{6}Li ядросига тегишли, $21.25 < p < 24.5$ ГэВ/*с* оралиқдагилар ^{7}Li га, $p < 24.75$ ГэВ/*с* импульсли тўрт зарядли фрагментлар ^{7}Be га, $p \geq 24.5$ ГэВ/с оралиқдагилар эса ^{8}Be ядросига тегишли. Импульс спектрида $p \geq 24.5$ ГэВ/с импульсга эга ^{8}Be ядролари мавжуд эмас.

Диссертациянинг **“3.25 *А* ГэВ/с импульсли ^{16}O*p*–ўзаро таъсирлашувларида масса сони 6–7 бўлган кўпнуклонли тизимлар ва ядроларнинг ҳосил бўлиши”** деб номланган учинчи бобида 3.25 *А* ГэВ/*с* импульсли ^{16}O*p*-тўқнашувларида 6 ва 7 нуклонли тизим ва «кўзгу» ядролар ^{7}Li ва ^{7}Be ҳосил бўлиши бўйича олинган асосий натижалар баён қилинган. Уларнинг ўртача кўпламчилиги аниқланган ва кўпнуклонли тизимлар чиқиш кесими топилган. Бир ва икки зарядли ҳамроҳ зарралар кўпламчилиги ва характеристикалари таҳлил қилинган. Кислород ядросининг α-кластерли структураси ролини аниқлаш учун эксперимент маълумотларни каскадли парчаланиш ҳамда буғланиш модели (КПБМ) асосида таққослаш бажарилган.

Каскадли парчаланиш ҳамда буғланиш модели бўйича ҳисобланган 6 ва 7 нуклонли тизимлар ва ядролар ҳосил бўлиш кўндаланг кесимлари 29.98 ± 0.67 мбн ва 34.27 ± 0.72 мбн га тенг, уларнинг экспериментал қийматлари мос равишда 42.18 ± 1.34 мбн ва 39.55 ± 1.30 мбн га тенг. Бу кесимлардаги фарқ каскадли парчаланиш ҳамда буғланиш моделида 6 ҳамда 7 нуклонли тизимлар ва ядролар ҳосил бўлиши экспериментга нисбатан етарли даражада баҳоланмаслигини кўрсатади. Шундай баҳоланмаслик КПБМда бошланғич ядронинг кучли парчаланишига олиб келадиган ички ядровий каскадли жараёнларнинг ривожланиши даражаси юқорилиги билан боғлиқлигидан дарак беради.

3.1. бўлимда қуйидаги яриминклюзив реакцияларда кўпнуклонли тизимлар ва ядролар ҳосил бўлиши бўйича натижалар келтирилган:

6 нуклонли тизимлар:

$^{16}O + p \rightarrow {}^{6}Li + X,$ (1)

$^{16}O + p \rightarrow {}^{4}He + {}^{2}H + X,$ (2)

$^{16}O + p \rightarrow {}^{3}He + {}^{3}H + X,$ (3)

$^{16}O + p \rightarrow {}^{3}He + {}^{3}He + X,$ (4)

$^{16}O + p \rightarrow {}^{3}H + {}^{3}H + X,$ (5)

$^{16}O + p \rightarrow {}^{2}H + {}^{2}H + {}^{2}H + X,$ (6)

7 нуклонли тизимлар:

$^{16}O + p \rightarrow {}^{7}Li + X,$ (7)

$^{16}O + p \rightarrow {}^{7}Be + X,$ (8)

$^{16}O + p \rightarrow {}^{4}He + {}^{3}He + X,$ (9)

$^{16}O + p \rightarrow {}^{4}He + {}^{3}H + X,$ (10)

$^{16}O + p \rightarrow {}^{3}He + {}^{2}H + {}^{2}H + X,$ (11)

$^{16}O + p \rightarrow {}^{3}H + {}^{2}H + {}^{2}H + X$ (12)

X-сифатида $A \leq 3$ масса сонли бир ёки икки зарядли фрагмент, тепки протон ёки пион бўлиши мумкин, яъни $A \geq 4$ масса сонли ҳамроҳ ядролар туғиладиган тизимлар ҳосил бўлиши мумкин бўлган бошқа каналлар муҳокама қилинмаган.

1- ва 2-жадвалларда йиғинди заряд (Q) ва кўндаланг кесими ($\boldsymbol{\sigma_y}$) мос равишда (1-6) реакциялар учун 6 нуклонли тизим ва ядро ҳосил бўлиши, шунингдек, (7-12) реакциялар учун эса 7 нуклонли тизим ва ядролар ҳосил бўлиши каскадли парчаланиш ҳамда буғланиш модели маълумотлари билан таққосланган ҳолда келтирилган.

1-жадвал

Тизимлар типи	Реакция тартиб рақами	Йиғинди заряд, Q	Реакциялар кесими σ_y, мбн	
			Эксп.	КПБМ
^{6}Li	1	3	3.67±0.36	7.00±0.33
$^{4}He + {}^{2}H$	2	3	23.83±1.03	12.22±0.44
$^{3}He + {}^{3}H$	3	3	5.55±0.48	2.93±0.21
$^{3}He + {}^{3}He$	4	4	3.67±0.39	4.11±0.25
$^{3}H + {}^{3}H$	5	2	2.64±0.36	2.53±0.20
$^{2}H + {}^{2}H + {}^{2}H$	6	3	2.81±0.37	1.20±0.13

1- ва 2-жадвалларидан кўринадики, 6 ва 7 нуклонли тизимларда максимал кесим ^{4}He ядролар ҳосил бўлувчи реакцияларда кузатилади. 6 нуклонли тизим учун экспериментда α-зарралар ҳосил бўлиши кесими 23.83 ± 1.03 мбн

ни ташкил қилади, 7 нуклонлилар учун эса 26.99 ± 1.15 мбн. Мос равишда каскадли парчаланиш ҳамда буғланиш моделида ҳисобланган катталиклар 12.22 ± 0.44 мбн ва 14.14 ± 0.49 мбн ни ташкил қилади, яъни экспериментдагидан ўртача 1.93 марта кичик. Бу ҳолат каскадли парчаланиш ҳамда буғланиш моделида ҳисобга олинмайдиган парчаланадиган кислород ядроси α-кластерли структурасининг намоён бўлишидан гувоҳлик беради. Ҳақиқатан, эксперимент ва каскадли парчаланиш ҳамда буғланиш моделида 6 нуклонли тизим чиқиш кесимларидаги асосий фарқ айнан α-зарралар чиқиш каналида кузатилади. Қолган реакцияларнинг чиқиш кесимлари йиғиндиси эса экспериментда 18.87 ± 0.85 мбн ни ва каскадли парчаланиш ҳамда буғланиш моделида 17.77 ± 0.65 мбн ни ташкил қилиб, амалда бир-бирига мос келади.

6 нуклонли тизимлар ҳосил бўлишнинг эксперимент ва ҳисобдаги кесимлари мос келиши фақат айнан ўхшаш иккиламчи ядролар (^{3}He + ^{3}He) ва (^{3}H + ^{3}H) учун ўринли эканлигини кузатиш мумкин. ^{4}He + ^{2}H тизим ва ^{6}Li ядроси ҳосил бўлиши кесимини таққослаш қизиқарли. Экспериментда бу муносабат 6.5 ни ташкил қилади, бу ҳолда моделда у мос равишда 1.7 га тенг. Агар ^{6}Li ядросининг ҳосил бўлиши ^{4}He ва ^{2}H ядролар қўшилиши ҳисобига юз берса, у ҳолда коалесценция модели доирасида бундай устунликни зарурий нисбий импульсларнинг кичкина бўлишлиги ҳамда ^{4}He ва ^{2}H ядроларнинг фазовий яқинлиги каби факторлар билан тушунтириш мумкин. Худди шундай мулоҳазани ^{7}Li ядроси ва ^{4}He + ^{3}H тизимга, шунингдек, ^{7}Be ядроси ва ^{4}He + ^{3}He тизими чиқиш кесимлари ўзаро нисбати учун ҳам келтириш мумкин. Бундан ташқари моделда ^{4}He+^{3}He ва ^{4}He+^{3}H чиқиш кесимларида фарқ кузатилади, биринчи тизим чиқиш кесими охиргисига нисбатан 1.3 марта катта. Бу, шу билан боғлиқки, моделда енгил «кўзгу» ядролар ҳосил бўлишида протонлари ортиқча бўлган ядроларнинг кесими протон-нишон заряди ҳисобига нейтронлари ортиқча ядролар кесимига нисбатан юқорилиги келиб чиқади.

2-жадвал

Тизимлар типи	Реакция тартиб рақами	Йиғинди заряд, Q	Реакциялар кесими σ_y, мбн	
			Эксп.	КПБМ
^{7}Li	7	3	2.72±0.31	6.36±0.31
^{7}Be	8	4	3.43±0.39	10.65±0.41
^{4}He + ^{3}He	9	4	13.77±0.26	7.88±0.35
^{4}He + ^{3}H	10	3	13.22±0.75	6.26±0.31
^{3}He + ^{2}H + ^{2}H	11	4	3.21±0.37	1.69±0.16
^{3}H + ^{2}H + ^{2}H	12	3	3.21±0.40	1.43±0.15

Охирги ҳолатда, кўринишидан, *A*=3 масса сонли енгил “кўзгу” ядроларнинг айнан ўхшаш шаклланиш механизмлари билан боғлиқ йиғинди зарядлари фарқланувчи 6 нуклонли тизимлар ^{6}Li ва ^{3}He + ^{3}He, шунингдек 7 нуклонли тизимлар ^{4}He + ^{3}He ва ^{4}He + ^{3}H эксперименталь чиқиш кесимлари

мос келишига эътибор қаратилиши лозим. Енгил парчаланувчи ядролар α-кластерли тузилишини ҳисобга олиш зарурияти каскадли парчаланиш ҳамда буғланиш моделида ^{6}Li, ^{7}Li ва ^{7}Be ядроларнинг чиқиш кесимлари экспериментга қараганда сезиларли юқори бўлишидан келиб чиқади.

Ҳамроҳ зарралар ўртача кўпламчилиги таҳлили (3- ва 4-жадвалларга қаранг) 6 нуклонли тизимлар учун энг юқори протонлар кўпламчилиги ^{2}H+^{2}H+^{2}H ядро структурасининг максимал емирилиш каналида ва ^{2}H+^{2}H+^{3}H – 7 нуклонли тизимлар учун эса ^{3}H+^{3}H – минимал йиғинди зарядлар (2) каналида кузатилишини кўрсатади. ^{3}He+^{3}He 6 нуклонли тизим ва ^{6}Li ядроси учун зарядлар орасидаги фарқ литий-6 ядроси ҳосил бўлган каналда протонлар ўртача кўпламчилигининг 0.9га кўплиги билан компенсацияланади.

Бир хил йиғинди зарядли (4) ^{7}Be ядроси ҳамда 7 нуклонли тизимлар ^{4}He+^{3}He ва ^{2}H+^{2}H+^{3}He учун протонлар ўртача кўпламчилиги статистик хатоликлар чегарасида мос келади. Биринчи икки канал учун статистик хатоликлар чегарасида ^{2}H, ^{3}H ва ^{3}He ядролари кўпламчиликлари мос келади. Каскадли парчаланиш ҳамда буғланиш моделида айнан шундай эффектлар кузатилмайди. Бир хил йиғинди зарядли (3) ^{7}Li ядроси ҳамда 7 нуклонли тизим ^{4}He+^{3}H учун статистик хатоликлар оралиғида барча ҳамроҳ зарралар ўртача кўпламчилиги мос келади.

3-жадвал

6 нуклонли тизимлар билан биргаликда ҳосил бўлувчи енгил фрагментлар ва p_{rec} тепки протонлар ўртача кўпламчилиги ва тизимлар йиғинди заряди (Q).

Тизимлар типи	Q	Маълумот манбаи	Ҳамроҳ зарралар				
			^{1}H	^{2}H	^{3}H	^{3}He	p_{rec}
^{6}Li	3	Эксп.	3.42±0.12	0.74±0.08	0.28±0.05	0.32±0.05	0.49±0.05
		КПБМ	3.38±0.06	0.74±0.03	0.31±0.03	0.44±0.03	0.50±0.03
^{4}He + ^{2}H	3	Эксп.	3.02±0.05	0.83±0.03	0.34±0.02	0.32±0.02	0.53±0.02
		КПБМ	3.53±0.05	0.47±0.02	0.21±0.01	0.27±0.01	0.52±0.02
^{3}He + ^{3}H	3	Эксп.	3.36±0.10	0.63±0.05	0.30±0.04	0.39±0.05	0.51±0.04
		КПБМ	3.62±0.10	0.54±0.04	0.23±0.03	0.32±0.03	0.49±0.04
^{3}He + ^{3}He	4	Эксп.	2.50±0.13	0.71±0.08	0.32±0.04	0.31±0.04	0.48±0.04
		КПБМ	3.22±0.09	0.49±0.03	0.13±0.02	0.36±0.03	0.48±0.03
^{3}H + ^{3}H	2	Эксп.	3.84±0.18	0.85±0.10	0.23±0.05	0.36±0.05	0.60±0.05
		КПБМ	4.12±0.10	0.66±0.05	0.27±0.03	0.15±0.03	0.56±0.04
^{2}H + ^{2}H + ^{2}H	3	Эксп.	3.69±0.14	0.67±0.07	0.32±0.05	0.23±0.05	0.49±0.05
		КПБМ	3.98±0.15	0.31±0.05	0.33±0.05	0.25±0.05	0.41±0.06

Шунингдек, ^{6}Li ва ^{7}Li ядролари ҳосил бўлишида ҳамроҳ зарраларнинг экспериментал ўртача кўпламчилиги мос келишини кўриш ҳам қизиқарли, яъни ^{7}Li ядроси таркибидаги ортиқча нейтрон ўртача кўпламчиликлар катталикларига таъсир кўрсатмайди.

^{2}H ядроси ҳосил бўлиши экспериментал ўртача кўпламчиликлари билан КПБМ ҳисобларининг қиёси шуни кўрсатадики, дейтронлар кислород ядроси α-кластерлари емирилишидан ҳосил бўлишининг мумкин бўлган каналларини кўрсатган ҳолда, экспериментда 6-нуклонли тизимлар учун ҳам 7-нуклонлилар учун ҳам систематик равишда ошади.

^{3}H ядроси ҳосил бўлиш ҳоллари учун худди шундай таққослаш ^{4}He+^{2}H, ^{3}He+^{3}H ва ^{3}He+^{3}He, шунингдек, ^{7}Be, ^{4}He+^{3}He, ^{4}He+^{3}H ва ^{2}H+^{2}H+^{3}He тизимлар учун эксперимент қийматлари ҳисоб қийматларидан юқори эканлигини кўрсатади. ^{3}He ядроси экспериментал ўртача кўпламчилигининг ҳисобдагидан сезиларли фарқи ^{6}Li ядроси ҳамда ^{3}He+^{3}H, ^{3}He+^{3}He ва ^{3}H+^{3}H тизимлар ҳосил бўлиш каналларида кузатилади.

4-жадвал

7 нуклонли тизимлар билан биргаликда ҳосил бўлувчи енгил фрагментлар ва p_{rec} тепки протонлар ўртача кўпламчилиги ва тизимлар йиғинди заряди (Q).

Тизимлар типи	Q	Маълумот манбаи	Ҳамроҳ зарралар				
			^{1}H	^{2}H	^{3}H	^{3}He	p_{rec}
^{7}Li	3	Эксп.	3.34±0.14	0.77±0.09	0.27±0.05	0.28±0.05	0.58±0.05
		КПБМ	3.30±0.06	0.69±0.04	0.35±0.03	0.30±0.03	0.53±0.02
^{7}Be	4	Эксп.	2.76±0.14	0.71±0.07	0.28±0.05	0.33±0.05	0.53±0.05
		КПБМ	2.80±0.04	0.60±0.03	0.19±0.02	0.48±0.02	0.48±0.02
^{4}He + ^{3}He	4	Эксп.	2.71±0.06	0.68±0.04	0.27±0.02	0.37±0.03	0.51±0.02
		КПБМ	3.33±0.05	0.45±0.02	0.15±0.02	0.34±0.02	0.45±0.02
^{4}He + ^{3}H	3	Эксп.	3.32±0.07	0.76±0.04	0.30±0.02	0.30±0.02	0.57±0.02
		КПБМ	3.80±0.05	0.45±0.03	0.26±0.03	0.20±0.02	0.53±0.02
^{3}He + ^{2}H + ^{2}H	4	Эксп.	2.76±0.15	0.44±0.06	0.23±0.05	0.37±0.05	0.42±0.05
		КПБМ	3.54±0.08	0.31±0.05	0.16±0.03	0.37±0.04	0.42±0.03
^{3}H + ^{2}H + ^{2}H	3	Эксп.	3.69±0.13	0.58±0.07	0.25±0.04	0.24±0.05	0.51±0.05
		КПБМ	3.90±0.08	0.40±0.04	0.39±0.04	0.17±0.03	0.52±0.03

Экспериментда тепки протонлар ўртача кўпламчилиги 6 нуклонли тизимлар учун 0.52 ± 0.02 ни, 7 нуклонли тизимлар учун 0.53 ± 0.02 ни ташкил қилади. КПБМ да мос катталиклар 0.50 ± 0.01 ва 0.49 ± 0.01 ни ташкил қилади, бу эса статистик хатоликлар чегарасида эксперимент қийматларига мос келади.

3.2 бўлимда 3.25 *A* ГэВ/*c* импульсли ^{16}O*p*-тўқнашувларида ^{7}Be ва ^{7}Li “кўзгу” ядроларнинг чиқиш каналлари характеристикаларини ўрганиш бўйича эксперимент натижалари келтирилган, яъни қуйидаги инклюзив реакциялар муҳокама қилинган:

$$^{16}\mathrm{O} + p \rightarrow {}^{7}\mathrm{Li} + \mathrm{x} \qquad (13) \qquad\qquad {}^{16}\mathrm{O} + p \rightarrow {}^{7}\mathrm{Be} + \mathrm{x} \qquad (14)$$

Бу ерда **x** – ҳосил бўлиши барион ва электр зарядлар сақланиш қонунларига бўйсунадиган ихтиёрий фрагмент ва зарраларни билдиради. “Кўзгу” ядролар

чиқувчи ҳодисалар сони N(^{7}Be) = 155 (14-реакция) ва N(^{7}Li) = 160 (13-реакция) бир-бирига яқинлиги аниқланди. Литий ва бериллий ядро изотопларининг биргаликда ҳосил бўлиши жами 16 та ҳодисада кузатилади. Шулардан фақат биттасида ^{7}Be ва ^{7}Li “кўзгу” ядроларнинг бир вақтда чиқиши кузатилади. Зарралар ва фрагментлар характеристикалари, биргаликда чиқувчи ^{7}Be ва ^{7}Li “кўзгу” ядроларнинг таққослама таҳлили учун A = 7 масса сонли битта 3 ёки 4 зарядли фрагментлар ҳосил бўладиган, яъни топологиялари (3), (32) ва (322), шунингдек (4), (42) ва (422) бўлган ҳодисалар қараб чиқилди. Бу ерда қавс ичида кўпзарядли ($Z \geq 2$) фрагментлар заряди ҳамда сони кўрсатилган. “Кўзгу” ядролар чиқувчи топологиялари бундан кейин “кўзгу” топологик каналлар деб номланади. ^{7}Li ва ^{7}Be ядролар ҳосил бўлувчи ҳодисалар учун зарядланган зарралар ва фрагментларнинг ўртача кўпламчилиги, ядро фрагментлари ўртача кўпламчилиги, шунингдек протон-фрагментлар ва зарядланган пионлар йиғинди заряди (Q) 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

^{7}Li ва ^{7}Be ядролари чиқиш каналларида фрагментлар ўртача кўпламчилиги, ҳамда протон-фрагментлар ва зарядланган пионлар йиғинди заряди

Зарралар ва ядролар типи	^{7}Li	^{7}Be	Зарралар ва ядролар типи	^{7}Li	^{7}Be
Жами фрагментлар	4.45 ± 0.10	3.81 ± 0.11	^{4}He	0.63 ± 0.05	0.61 ± 0.05
^{1}H	3.00 ± 0.11	2.29 ± 0.12	Тепки протон	0.59 ± 0.05	0.55 ± 0.04
^{2}H	0.52 ± 0.05	0.53 ± 0.05	π^-	0.33 ± 0.04	0.44 ± 0.05
^{3}H	0.17 ± 0.03	0.20 ± 0.03	π^+	0.64 ± 0.05	0.42 ± 0.05
^{3}He	0.13 ± 0.03	0.18 ± 0.03	Q(^{1}H+ π^++ π^-)	3.31±0.12	2.27±0.13

Жадвалдан кўринадики, масса сонлари $2 \leq A \leq 4$ бўлган фрагментларнинг ўртача кўпламчилиги 7 нуклонли “кўзгу” ядролар ҳосил бўлишининг иккала канали учун статистик хатоликлар чегарасида мос келади. Бу ҳолат натижасида протон-фрагментлар ва зарядланган зарралар йиғинди зарядидаги фарқ иккала канал учун ҳам амалда 1 га тенг. Икки зарядли фрагментлар кўпламчилиги ва уларнинг ўртача қийматлари (0.75 ± 0.05 ва 0.74 ± 0.05, мос равишда ^{7}Li ва ^{7}Be учун) тақсимоти иккала “кўзгу” ядро учун ҳам мос келади. Шунингдек ^{7}Li ва ^{7}Be ядролари ҳосил бўлиш каналларида тепки протонларнинг ўртача кўпламчилиги ҳам мос келиши кузатилади. Бу ҳол ^{7}Li ва ^{7}Be ядролар шаклланиш кинематик шароитларининг яқинлигини ва снаряд парчаланиш даражасининг бир хиллигини кўрсатади.

Статистик хатоликлар чегарасида ^{7}Li ва ^{7}Be “кўзгу” ядроларнинг тақсимоти кислород ядросининг тинч ҳолатдаги тўлиқ импульси бўйича (1-расм) тақсимотлари бир бирига мос келган ҳолда уларнинг ўртача қийматлари 350 ± 13 МэВ/с ва 354 ± 13 МэВ/с ни ташкил қилади. Шунингдек қаралаётган “кўзгу” ядролар кўндаланг импульс бўйича тақсимотлари (2-расм) бир бирига мос келиб, уларнинг ўртача қиймати статистик хатоликлар чегарасида мос келади (^{7}Li ва ^{7}Be учун 251 ± 11 МэВ/с ва 253 ± 11 МэВ/с). Бу

“кўзгу” ядроларнинг тўлиқ ва кўндаланг импульслари бўйича тақсимотлари мос келишидан уларнинг чиқиш бурчакларининг ўртача қийматлари амалда бир хиллиги, лаборатория системасида ^{7}Li ва ^{7}Be ядролар учун (мос равишда 0.63 ± 0.03° ва 0.64 ± 0.03°) тенглиги келиб чиқади. Шунингдек, 5-жадвалдан ^{7}Li ва ^{7}Be ядролари чиқиш каналларида жами фрагментлар ўртача кўпламчиликлари фарқи Δn_f = 0.64 ± 0.15 га тенглиги кўринади. Бунда ^{2}H, ^{3}H, ^{3}He ва ^{4}He ядролар ўртача кўпламчилиги “кўзгули” каналларда мос келади. Бу Δn_f фарқ статистик хатоликлар чегарасида протон-фрагментларнинг ўртача кўпламчиликлари фарқи Δn_p билан мос келишини билдиради. 5-жадвалдан у 0.71 ± 0.15 га тенг, Δn_f катталикка яқинлиги кўриниб турибди. Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, қаралаётган “кўзгу” ядролар зарядларидаги фарқ асосан ^{7}Li ядроси чиқиш каналларида қўшимча протон-фрагментлар ҳосил бўлиши билан тўлдирилади. Бунинг ҳисобига протон-нишон билан протонларнинг ўзаро таъсирлашувида нейтронлари ортиқча бўлган ^{7}Li ядросининг ҳосил бўлиши ёки протон-нишон билан нейтронларнинг ўзаро таъсирлашувида протонлари ортиқча бўлган ^{7}Be ядроларининг ҳосил бўлиши имкониятлари юқори бўлади. Бундан ^{7}Li ва ^{7}Be “кўзгу” ядролар ҳосил бўлиши билан боғлиқ бўлган π^-- ва π^+-мезонлар ўртача кўпламчилигидаги фарқ келиб чиқади.

^{7}Li ва ^{7}Be “кўзгу” ядролар чиқиш ҳодисаларидаги кўпнуклонли фрагментлар ($2 \le A \le 4$) ўртача кўпламчилигидаги мослик бундай ядроларнинг (A=7) шаклланишида иккита α-кластерлардан биридан уриб чиқарилган нуклонларнинг иштирок этмаслигини билдиради.



1-расм. Тинч ҳолатдаги кислород ядросида ^{7}Li (○) ва ^{7}Be(●) ядроси импульс тақсимоти



2-расм. ^{7}Li (○) ва ^{7}Be(●) “кўзгу” ядролар кўндаланг импульс тақсимоти

^{7}Li ядросининг чиқиш каналидаги π^+-мезонларнинг ўртача кўпламчилиги ^{7}Be ядросининг ҳосил бўлиш каналига нисбатан 0.22 ± 0.07 миқдорга катта эканлигини таъкидлаш қизиқдир. Бу шуни тасдиқлайдики, ортиқча нейтронга эга бўлган ^{7}Li ядросининг шаклланиши нишон-протоннинг кислород ядроси протони билан тўқнашиши натижасида кўпроқ юз беради. ^{7}Be ядроси чиқиш каналида π^--мезонларнинг ўртача кўпламчилиги ^{7}Li чиқиш каналига нисбатан кўпроқ эканлиги улардан биринчисининг ҳосил бўлиши нишон-протоннинг кислород ядроси нейтрони

билан ўзаро таъсирлашуви натижасида юз беришини кўрсатади. Статистик хатоликлар оралиғида ^{7}Be ҳосил бўлиш каналида $<n_{\pi+}>$ ва $<n_{\pi-}>$ ўртача кўпламчиликларнинг мос келиши нишон-протонларнинг қайта ноэластик зарядланиш ($p \rightarrow n + \pi^{+}$) ҳиссаси орқали қўшимча π^{+}-мезонлар ҳосил бўлишидан юзага келган. Бу фаразни текшириш учун протон-нишон сақланган ҳодисаларда (6-жадвалга қаранг), яъни қуйидаги яриминклюзив реакцияларда зарядланган пионлар ўртача кўпламчилигини кўриб чиқилди:

$$^{16}\mathrm{O} + p \rightarrow {}^{7}\mathrm{Li} + p_{\mathrm{rec}} + X, \qquad (13') \qquad\qquad ^{16}\mathrm{O} + p \rightarrow {}^{7}\mathrm{Be} + p_{\mathrm{rec}} + X. \qquad (14')$$

6-жадвалдан кўринадики, (13′) реакцияда π^{+}-мезонларнинг ўртача кўпламчилиги π^{-}-мезонлар ўртача кўпламчилигидан 0.10 ± 0.07 га катта, (14′) реакцияда эса, аксинча, π^{-}-мезонлар ўртача кўпламчилиги π^{+}-мезонларнинг ўртача кўпламчилигидан худди шу миқдорга (0.10 ± 0.07) катта.

6-жадвал

(13′) ва (14′) реакцияларда зарядланган пионлар ўртача кўпламчилиги

Реакция	Заррачалар типи		
	π^{+}	π^{-}	$\pi^{+} + \pi^{-}$
(13′)	0.41±0.06	0.31±0.05	0.72±0.07
(14′)	0.34±0.05	0.44±0.06	0.78±0.07

Шунингдек 6-жадвалдан статистик хатоликлар оралиғида (13′) ва (14′) реакциялар учун зарядланган пионларнинг ўртача кўпламчиликлари йиғиндиси мос келиши кўринади. 5 ва 6 жадваллардан статистик хатоликлар оралиғида мос реакцияларда ((13), (13′) ва (14), (14′)) манфий пионлар ўртача кўпламчилиги ҳодисаларда тепки-протонлар мавжуд ёки йўқлигига боғлиқ эмас. Бу нишон-протон ва снаряд орасида заряд алмашинув жараёни манфий пионлар ҳосил бўлишида ҳеч қанақа рол ўйнамаслигини кўрсатади. Кислород-16 ядроси бир хил сондаги протон ва нейтронлардан ташкил топганлиги билан боғлиқ равишда, (13′) ва (14′) реакциялар бўйича π^{+}-мезонлар ўртача кўпламчиликлари йиғиндиси бу реакциялар бўйича π^{-}-мезонлар ўртача кўпламчиликлари йиғиндиси билан мос келиши лозим. 6-жадвалда кўриниб турганидек, кўпламчиликлар амалда бир-бирига мос келади (0.75 ± 0.07), шунингдек, ўрганилган импульс 1.25-1.75 ГэВ/с оралиғида бўлган π^{+}-мезонларни идентификация қилиш усули тўғрилигини кўрсатади.

Албатта, дастлабки ядро парчаланиш жараёни масса сонлари $2 \leq A \leq 4$ бўлган ядролар шаклланишининг ягона йўли ҳисобланмайди, улар каскадли нуклонлар ёки камнуклонли ассоциациялар қўшилиши ҳисобига ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Бироқ коалесценция механизми бир-биридан катта бўлмаган ($R \sim 1$ Фм) масофада ва импульслар фарқи нисбатан кичик нуклонлар ва камнуклонли ассоциациялар топилишининг кам эҳтимоллиги ҳисобига унинг аҳамияти сезиларли пасайган. Ҳақиқатдан, коалесценция модели бўйича ҳисобланган камнуклонли ядролар ҳосил бўлиш эҳтимоллиги

ядролар қиёсий чиқиши учун қуйидаги қийматларни беради: ^{2}H – 11,3%, ^{3}H ва ^{3}He – 7.5%, ^{4}He – 1.8%.

Диссертациянинг **“Кислород ядросининг A≤4 масса сонли енгил фрагментларга парчаланиши”** деб номланган тўртинчи бобида кислород ядроси α-кластерли тузилишининг намоён бўлиш эффектларини чуқурроқ ўрганиш мақсадида, 3.25 *A* ГэВ/*c* импульсли ^{16}O*p*-тўқнашувларида ^{4}He ва ^{2}H ядролар сони билан боғлиқ ^{3}H ва ^{3}He “кўзгу” ядролар ҳосил бўлиш жараёнлари қиёсий таҳлили натижалари келтирилган [112; С.268-271. 115; С34-37. 116; С.28-29.].

Ушбу бўлимда (1), (2), (22), (222) ва (2222) топологияларида ^{3}H ва ^{3}He “кўзгу” ядролар, дейтронлар ҳамда альфа зарралар ҳосил бўлиши ўзаро боғлиқлиги ўрганилди. Бошқача қилиб айтганда, бу ядролар ҳосил бўлиши қуйидаги яриминклюзив реакцияларда қараб чиқилди:

$^{16}O + p \rightarrow {}^{3}He + k^{2}H + X$ (15) $^{16}O + p \rightarrow {}^{3}H + k^{2}H + X,$ (15´)

$^{16}O + p \rightarrow {}^{3}He + {}^{4}He + k^{2}H + X$ (16) $^{16}O + p \rightarrow {}^{3}H + {}^{4}He + k^{2}H + X,$ (16´)

$^{16}O + p \rightarrow {}^{3}He + 2{}^{4}He + k^{2}H + X,$ (17) $^{16}O + p \rightarrow {}^{3}H + 2{}^{4}He + k^{2}H + X,$ (17´)

$^{16}O + p \rightarrow {}^{3}He + 3{}^{4}He + k^{2}H + X,$ (18) $^{16}O + p \rightarrow {}^{3}H + 3{}^{4}He + k^{2}H + X,$ (18´)

яъни ^{3}He ва ^{3}H енгил “кўзгу” ядролар ҳосил бўлиши биргаликда ҳосил бўлган альфа зарра ва дейтронлар сони билан боғлиқликда ўрганилди. Дейтронлар сони k барион ва электр зарядлари сақланиш қонунларига мос равишда 0 дан 7 гача ўзгариши мумкин (аммо экспериментда 4 тагача дейтрон ҳосил бўлиши кузатилди), X сифатида протонлар, кислород ядросининг нейтрон-фрагментлари, ҳамда тепки протонлар ёки пионлар бўлиши мумкин. Шундай қилиб, ҳосил бўлиши кузатилаётган “кўзгу” ^{3}He ва ^{3}H ядролар билан ҳамроҳ зарралар сонига $z > 2$ ва $A > 4$ ли кўп зарядли фрагментлар кирмайди, яъни (15) ва (15´) реакциялар кислород ядросининг тўлиқ бўлинишига тааллуқлидир. Юқорида қаралган реакциялардан кўринадики, кўпнуклонли фрагментларда нуклонлар миқдори бир хил, йиғинди электр зарядлари бир бирликка фарқланувчи (15) ва (15´), (16) ва (16´) ва бошқа каналлар характеристикалари жуфт ҳолда солиштирилади.

Қаралаётган (15−18) ва (15´−18´) реакциялардаги ҳодисаларнинг умумий сони 730 тага тенг бўлди. ^{3}He ядроси ҳосил бўлиши билан кузатиладиган (15−18) реакцияларида ҳодисаларнинг тўлиқ сони 364 тага тенг бўлиб, бу (15´−18´) реакцияларида ^{3}H ҳосил бўлувчи ҳодисалар сони 366 га мос келади. Кучли таъсирлашувдаги изотопик инвариантликка асосан бундай мос келишликни (15´−18´) реакцияларда нишон сифатида протон ўрнида нейтрон бўлганда кутиш мумкин эди. Шу туфайли олинган натижалар нотривиал ҳисобланади ва (15−18) ва (15´−18´) реакциялар амалга ошиши кислород ядроси уйғонган ҳолатининг бирламчи нуклон турига (зарядига) боғлиқ эмаслигини кўрсатади. Бу нишон протон ўз зарядини ядро ёки кўпнуклонли фрагментларга бермаган ҳолида мумкин бўлади.

7-жадвалда (15-18) ва (15′-18′) реакциялардаги масса сонлари $1 \leq A \leq 2$ фрагментлар, тепки протонлар ва зарядли пионлар ўртача кўпламчилиги иштирокчи дейтронларнинг иҳтиёрий сонлари учун келтирилган.

7-жадвалдан кўриниб турибдики, турли хил сондаги ассоциацияланган n_α альфа заррали (15−18) ва (15′−18′) реакцияларда ҳодисалар сони статистик хатоликлар чегарасида жуфт-жуфт мос келади. Барион заряди сақланиши туфайли бундай мослик ^{4}He ядросидаги протон ва нейтронлар умумий сонининг бир хиллигига асосланади, унинг ҳосил бўлиши ^{3}He и ^{3}H “кўзгу” ядролар чиқиш эҳтимолиятига бир хил таъсир кўрсатади.

7-жадвал

(15−18) ва (15′−18′) реакциялардаги $\langle n_p \rangle$ протон-фрагментлар, $\langle n_d \rangle$ дейтронлар, $\langle n_n \rangle$ нейтронлар, $\langle n(p_{rec}) \rangle$ тепки протонлар, $\langle n(\pi^-) \rangle$ π^--мезонлар ва $\langle n(\pi^+) \rangle$ π^+-мезонларнинг ўртача кўпламчиликлари

n_α	Реакция	$N_{ҳод}$	Зарралар ва фрагментлар ўртача кўпламчилиги					
			$\langle n_p \rangle$	$\langle n_d \rangle$	$\langle n_n \rangle$	$\langle n(p_{rec}) \rangle$	$\langle n(\pi^-) \rangle$	$\langle n(\pi^+) \rangle$
0	15	64	4.65±0.17	1.83±0.17	4.69±0.24	0.45±0.05	0.48±0.07	0.59±0.08
1	16	151	3.47±0.11	1.10±0.08	3.33±0.15	0.52±0.04	0.63±0.05	0.56±0.05
2	17	132	1.81±0.08	0.42±0.04	2.35±0.12	0.64±0.04	0.49±0.05	0.54±0.05
3	18	17	0.30±0.11	0	0.70±0.14	0.72±0.12	0.24±0.10	0.24±0.10
0	15′	60	5.16±0.15	1.81±0.13	4.22±0.21	0.51±0.05	0.33±0.06	0.79±0.06
1	16′	153	3.87±0.09	1.10±0.07	2.93±0.13	0.58±0.04	0.37±0.04	0.70±0.06
2	17′	132	2.49±0.07	0.45±0.05	1.61±0.10	0.73±0.04	0.24±0.03	0.45±0.05
3	18′	21	0.84±0.15	0	0.16±0.21	0.78±0.15	0.27±0.09	0.61±0.12

(15′−18′) реакцияларида барион ва электр зарядлари сақланиш қонунларига асосан турли хилдаги заряд алмашинуви жараёнлари ($p \to n\pi^+$, $n \to p\pi^-$ ва $np \to pn$) бўлмаган ҳолатда дейтрон ва протонлар йиғинди ўртача кўпламчилиги (15-18) реакциялардагига нисбатан биттага кўп бўлиши керак. (15-18) реакциялар бўйича олинган дейтронларнинг ўртача кўпламчилиги 0.93 ± 0.04 ни, (15′−18′) реакциялар бўйича эса 0.92 ± 0.04 ни ташкил қилади. (15−18) ва (15′−18′) реакцияларда дейтронлар сони мос тушишини қуйидагича талқин қилиш мумкин. Дейтронлар ҳосил бўлиш эҳтимоллиги протон-нейтрон жуфтлигига пропорционаллиги туфайли дейтронлар чиқишига ядродаги протон ёки нейтрон ортиқчалиги бир хил таъсир кўрсатади. $\langle n_d \rangle$ нинг ассоциацияланган α-зарралар сонига қараб камайиши барион заряди сақланиш қонунига асосланади. (18) ва (18′) реакцияларда дейтронлар чиқиши кузатилмайди. Бу қаралаётган таъсирлашув энергиясида (18) реакцияда нишон протони томонидан нейтрон қамраб олиниши эҳтимолиятининг жуда кичиклигини кўрсатади. (18′) реакцияда дейтрон ҳосил бўлиши эркин нейтронларнинг йўқлиги туфайли юз бермайди. Кислород таркибидаги 8 та нейтроннинг барчаси кўпнуклонли фрагментлар таркибида боғланган ҳолатда бўлади.

Мос равишда 0.63 ± 0.02 ва 0.56 ± 0.02 ларни ташкил қилган ҳолда тепки протонлар $<n(p_{rec})>$ ўртача кўпламчилиги (15′−18′) реакцияда (15-18) реакцияга қараганда кўпрок. Бу фарқ эса нишон протони ва кислород ядроси нейтрони ўртасидаги заряд алмашинуви ($np \rightarrow pn$) жараёнига асосланади.

